6-MAY

2023

Mirzo Ulug‘bek nomidagi O‘zbekiston Milliy universiteti

O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi

# SIFATLI TA’LIM – O‘ZBEKISTON TARAQQIYOTINING POYDEVORI

## Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi

Google Scholar indexed

CYBERLENINKA

Google

ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES

www.ares.uz

**Mirzo Ulug‘bek nomidagi O‘zbekiston Milliy universiteti**

**http://www.nuu.uz/**

**O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi**

**http://www.edu.uz/**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР ФАКУЛЬТЕТИ**

**ПЕДАГОГИКА ВА УМУМИЙ ПСИХОЛОГИЯ КАФЕДРАСИ**

# СИФАТЛИ ТАЪЛИМ – ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ПОЙДЕВОРИ

**мавзусидаги илмий-амалий**

# АНЖУМАН МАТЕРИАЛЛАРИ

***2023 йил 6 май***

**Тошкент – 2023 йил**

# КРЕАТИВЛИК САЛОХИЯТИНИНГ ТАРКИБИЙ АСОСЛАРИ ВА УСТУВОР ТАМОЙИЛЛАРИ

**Б. Неъматов**
ТерДУ катта ўқитувчиси(PhD)

**У. Содиков**
ЎзМУ доценти (PhD)

## АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада креативлик тушунчаси, педагогик креативликнинг таркибий қисмлари, креатив салоҳиятнинг таркибий асослари ва устивор тамойиллари, ҳамда педагогнинг креативлик салоҳияти даражасини аниқловчи мезонлар, даражалари, олимларнинг креативлик мазмун моҳияти ҳақидаги фикр мулоҳазалари ҳақида сўз боради.

**Калит сўзлар:** креативлик, креатив салоҳият, мезонлар, даражалар, омиллар, тамойиллар, креатив малакалар

## ABSTRACT

This article will talk about the concept of creativity, the components of pedagogical creativity, the structural foundations and principles of creative potential, as well as the criteria, levels of determining the level of creativity potential of the educator, feedback of scientists on the essence of creativity content

**Keywords:** creativity, creative potential, criteria, levels, factors, principles, creative skills

## АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются понятие креативности, компоненты педагогического креатива, структурные основы и приоритетные принципы креативного потенциала, а также критерии, уровни, определяющие уровень креативного потенциала педагога, мнения ученых о содержательной природе креативности.

**Ключевые слова:** креативность, творческий потенциал, критерии, уровни, факторы, принципы, творческие навыки

Кейинги пайтларда педагогикада креативлик ва педагогик креативлик тушунчаларнинг моҳияти хар томонлама ўрганилиб замонавий шароитда педагогнинг креативлик сифатларига эга бўлишни тақозо этмоқда. **Креативлик** *(лот., инг."create"-яратиш, creative яратувчи, ижодкор)* -индивиднинг янги ғояларни ишлаб чиқаришга тайёрликни тавсифловчи ҳамда мустақил омил сифатида иқтидорлиликнинг таркибига кирувчи ижодий қобилияти.

Шахснинг креативлиги унинг тафаккурида, мулоқотида, ҳис-туйғуларида, муайян фаолият турларида намоён бўлади. Креативлик шахсни яхлит ҳолда ёки унинг муайян хусусиятларини тавсифлайди. Шунингдек, креативлик иқтидорнинг муҳим омили сифатида акс этади. Қолаверса, креативлик зеҳни ўткирликни белгилаб беради.

Педагогнинг креатив салохияти қуйидаги таркибий асосларни ўз ичига олади**.**

**1. Максадли-мотивли ёндошув** (ижодий фаолият қадрият саналади ва у педагогнинг қизиқишлари, мотивлари, фаолиятни ташкил этишга интили-шида кўзга ташланади).

**2. Мазмунли ёндашув** (ўзида педагогик, психологик махсус ва инновацион характердаги БКМни акс эттиради)

**3. Тезкор-фаолиятли ёндашув** (ўзида маълум фикрий-мантиқий фикрлашга доир ҳаракатлар, шунингдек, амалий (махсус, техник, технологик) фаолият усулларини ифодалайди).

**4. Рефлексив-баҳолаш** (бунда шахсий ижодий фаолият моҳиятини англаш, ўз-ўзини таҳлил қилиш ва ўз-ўзини баҳолаш кўзга ташланади)

Креативлик салоҳиятига эга педагог ўзида қуйидаги малакаларни намоён эта олади:

– бажариладиган вазифанинг моҳияти ва аҳамиятини белгилай билиш;

– масаланинг қўйилишини таҳлил қила олиш;

– масалани ҳал қилиш режасини тузиш;

– масалани ҳал қилишда самарали методлар (анализ, синтез, индукция, дедукция, таққослаш ва бошқалар)ларни қўллаш;

– масалани ҳал қилиш усулларини танлай олиш;

– қабул қилинган қарорнинг тўғрилигини асослаш ва қайта текшириш;

– масалани ҳал қилишда кичик тадқиқот (изланиш)ни олиб бориш;

– масалани ҳал қилиш шароити, жараённинг бориши ва масала ечими якунларини умумлаштиришга оид далилларни расмийлаштириш.

Педагогнинг илмий-тадқиқот ишлари ва илмий ёки ижодий лойиҳаларини амалга ошириши унда креативлик салохиятини янада ривожлан-тиради. Натижада педагог:

– ижодий фикрлашга одатланади;

– илмий-тадқиқот фаолиятини олиб бориш кўникмаларини пухта ўзлаштиради;

– педагогика ёки мутахасислик фани ютуқлари ҳамда илғор тажрибалар-дан фойдаланиш имкониятларини мустақил таҳлил қилади;

– педагогик жамоа томонидан олиб борилаётган илмий тадқиқот ва ижодий лойиҳаларни бажаришда фаол иштирок этади.

Педагогнинг креативлик салоҳиятини кўп даражали жараён ва у қуйидаги тамойилларга таянади.

1. Муоммоли характерга эгалиги
2. И

жодий йўналтирилганлик

3. Креативликнинг ёркин намоён бўлиши
4. Индивидуалликка эришиш
5. Имкониятларни ошириб бориш
6. Бир бутунлик,изчиллик ва тизимлилик
7. Шахснинг индивидуал хусусиятлари ва хаётий фаолиятда орттирган сифатларининг ўзаро уйғунлиги.

**Педагогнинг креативлик салоҳияти даражасини аниқловчи мезонлар.** Касбий фаолият самарадорлигини баҳолашда педагогнинг ижодкорлиги-креатив салоҳияти даражасини баҳолаш муҳим аҳамиятга эга. Педагогнинг креативлик салоҳияти даражасини аниқловчи мезонлар қўйидагилар саналади.

Бошланғич синф ўқитувчиси педагогик махорати, фаолияти ва креативлик салоҳиятини назорат қилиш ва баҳолаш муаммоси узоқ вақтлардан буён назариётчи олимлар, амалиётчиларни қизиқтириб келаётганига қарамасдан, ханузгача ўзини аниқ ечимини топа олмаётганлигини алоҳида таъкидлаш мақсадга мувофиқдир. Юқорида таъкидлагандек, рус олими В.П.Беспалько биринчилардан бўлиб ўзининг қатор тадқиқотларида бу соҳага ўз эътиборини қаратди. У “Мутахассисларни тайёрлашнинг мақсади, таълим мазмуни

ва муддатини белгилаш, дидактик тахлил қилиш учун услубий кўрсатмалар"[2], "талаба (ўқувчи)лар билимларининг сифати ва самарадорлигини ҳаққоний назорат қилиш ва баҳолаш бўйича услубий тавсиялар" каби ишларида бу соҳани бир бутун тизим сифатида қараган.

У ўзининг "Мутахассис тайёргарлиги сифати мезонлари ҳақида" номли илмий ишида бевосита мутахассис-кадрларнинг билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш даражаларини аниқлаш жараёнини 4-босқич ажралиб ўрганган. Аммо, В.П.Беспалько мутахассис кадрларнинг тайёргарлик сифатини аниқлаш технологиясини ёритибгина қолмасдан, бизнинг фикримизча балки уни ўтказиш шартлари, шакллари, воситалари ва услублари, педагогик маҳоратини, фаолиятини ва креативлик салоҳиятини, йўлларини умумий ҳолда кўрсатиб берган. Бироқ, ушбу педагог-ўқитувчининг креатив салоҳиятининг хусусий ҳолдаги ўзига хос томонлари ёритилмаган.

Креатив салоҳиятни аниқловчи мезонлар қуйидагилар:

1. Ташаббускорлик
2. Креатив қобилиятга эгалик
3. Креатив фаоллик
4. Изланувчанлик

Касбий фаолият самарадорлигини баҳолашда педагогнинг ижодкорлиги-креатив салоҳият даражасини баҳолашда муҳим аҳамиятга эга. Педагогнинг креативлик салоҳияти даражасини аниқловчи мезонлар бизнинг фикримизча қуйидагилар саналади. Ушбу мезон педагогик креатив салоҳиятини уч даражада аниқлаш имконини беради.

| № | Даражалар | Даража хусусиятлари |
|---|---|---|
| 1. | Юқори | Мунтазам равишда турли ташаббусларни илгари суради, креатив қобилиятга билимдонликга, маданиятга эгалигини изчил намойиш этиб боради, креатив жиҳатдан ўта фаол, изланувчан. |
| 2. | Ўрта | Баъзан у ёки бу ташаббусни илгари суради, креатив қобилиятга билимдонлигига эгалиги мунтазам бўлмаса-да, аммо намоён бўлади, креатив жиҳатдан бир қадар фаол, изланувчан бўлишига интилади. |

| | | |
|---|---|---|
| 3. | Паст | Гарчи у етарлича асосланмаган бўлса-да, ташаббусни илгари суришга интилади, креатив қобилияти билимдонлиги етарлича намоён бўлмайди, изланувчан бўлишига интилмайди. |

Педагог олим В.М.Полоцский ўзининг "Илмий педагогик тадқиқотларнинг сифатини баҳолаш" номли асарида илмий педагогик кадрларнинг мустақил равишда бажарадиган илмий-тадқиқот ишларини асосийларидан бири сифатида эътироф этади. У илмий-педагогик тадқиқот ишларини турли қисмларга бўлиб, унинг ҳар бир қисмини алоҳида баҳолаб, сўнгра чиқарилган хусусий баҳоларни умумлаштириш ва хулосалашни тавсия этади. Бироқ ўқитувчининг педагогик маҳоратини, фаолиятини ва педагогик креативлик салоҳиятини баҳолаш бўйича ўз фикрларини билдирмайди.

Педагогик олим Н.Ш.Шодиев тадқиқотларида ўқитувчи-педагогларнинг касбий фаолияти сифатини аниқлаш ва баҳолашда тест назорат услубияти бой имкониятларга эга эканини таъкидлайди. Баҳолаш тизимини педагогик маҳорат ва фаолиятни аниқлашда, жуда зарурлиги тўғрисида фикр билдириб, креатив салоҳият бўйича ҳеч қандай тушунчалар бермайди.

Умуман олганда креативлик иқтидорнинг муҳим омили сифатида акс этади. Қолаверса креативлик зеҳни ўткирликни белгилаб беради. Психолог олим П.Торренс фикрича, "креативлик" тушунчаси негизида қуйидаги ёритилади:

– муаммога ёки илмий фаразларни илгари суриш;
– фаразни текшириш ва ўзгартириш;
– қарор натижаларини шакллантириш асосида муаммони аниқлаш;
– муаммо ечимини топишда билим ва амалий ҳаракатларнинг ўзаро қарама-қаршилигига нисбатан таъсирчанлик.

Психологияда Э.П.Торренс томонидан шахс креативлигини аниқловчи тест ишлаб чиқилган. П. Торренснинг фикрича, шахс креативлиги ўзида қуйидаги белгиларни намоён қилади:

– саволлар, камчиликларга ёки бир-бирига зид маълумотларга эътиборсиз бўлмаслик;
– муаммоларни аниқлаш учун ҳаракат қилиш, илгари сурилган тахминлар асосида уларнинг ечимини топишга интилиш.

Бугунги кунда психологияда шахс креативлиги унинг фаолиятига хос икки жиҳатга кўра аниқланмоқда. Бунда фаолиятнинг икки жиҳатини ёритувчи тестлардан фойдаланилади.Улар қуйидагилардир.

1. Шахснинг ҳаётий тажрибаси ва шахсий сифатларини аниқлов тестлар.
2. Ижодий тафаккур ва унинг натижалари (тезкорлик, самарадорлик, махсулдорлик ва аниқловчи) тестлар.

Н.А.Муслимов, Н.Каримова "Касб таълими ўқитувчиларининг амалий компетентлигини шакллантириш технологияси", "Педагогик компетентлик ва креативлик асослари"[3] номли ёзилган методик қўлланмаларида креативлик салоҳиятини такомиллаштириш ва тегишли амалий сифатларни турлари, мазмуни, шакл, усуллари ҳамда воситаларини илмий-услубий жиҳатдан мосланган ҳолда олий таълим тизимида малака ошириш ва қайта тайёрлаш институтлари ўқитувчилари учун ёритилган бўлиб, бошланғич таълим ўқитувчилари учун креатив салоҳиятнинг мезонлари, сифат турлари, шакл, усуллари ҳамда воситалари илмий-усуллари асосланмаган.

Олиб борилган кузатишлар натижаларига кўра, ҳозирги вақтгача ўқитувчи-педагогларнинг маҳоратини, фаолиятини, креатив салоҳиятни илмий асосланган, маҳаллий, миллий хусусиятларни ифодалайдиган, мукаммал назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўлиқ ва илмий асосланган ҳолда ишлаб чиқилган эмас. Ушбу ҳолат бошланғич таълим ўқитувчиси педагогик ва касбий фаолиятини ўзига хос хусусиятларга эга бўлишига қарамай, уларнинг фаолиятини, креатив салоҳиятини назорат қилиш ва баҳолаш худди бошқа фанлар ўқитувчиси сингари умумий ҳолда олиб борилмоқда. Ушбу ҳолат бошланғич мактаб ўқитувчиларининг педагогик ва касбий фаолиятини, креатив салоҳиятини назорат қилиш ва баҳолаш мазкур таълим ўқитувчиларининг фаолияти давомида, билимдонлик қобилиятини, хусусиятларига уйғунлашган ҳамда креативлик салоҳиятини ишлаб чиқишга жиддий эҳтиёж борлигидан далолат беради. Илмий тадқиқот ишимизда, бошланғич синф ўқитувчиси педагогик фаолияти, креатив салоҳияти ва касбий маҳоратини назорат қилиш ва баҳолаш мезонлари тизимини яратиш бўйича тадқиқот ишлари қуйидаги йўналишларда амалга ошириш мўлжалланган:

– бошланғич синф ўқитувчисининг педагогик креативлик салоҳияти даражасини аниқлаш;

– бошланғич синф ўқитувчисининг креатив салоҳиятини аниқлаш тамойилларини ишлаб чиқиш;

– бошланғич синф ўқитувчисининг креатив салоҳиятини ривожлантиришга таъсир этувчи омиллар ва воситаларни ўрганиш;

– бошланғич синф ўқитувчиси компетентлиги, фаолияти ва педагогик маҳорати ҳамда креатив салоҳиятини назорат қилиш, баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш.

Юқорида айтилган **мезонларни** амалга оширишда тажриба-синов ишларини олиб боришда қуйидаги илмий-тадқиқот усулларида фойдаланилди: кузатиш, суҳбат, сўровнома, тест-сўровнома, умумлаштирилган тестлар, мактаб архивлари ва ўқув жараёни ҳужжатлари билан танишиш, мактаб таълим ўқитувчисининг мавжуд ўқув дастурлари, режалари билан таъминланганлик даражасини ўрганиш орқали креатив салоҳиятни сифат даражасини ўрганиш ва амалиётда қўллаш касб этади. Олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишимизда, бошланғич мактаб ўқитувчисининг креативлик салоҳияти асосий ўринлардан биридир.

Педагог ўз-ўзидан ижодкор бўлиб қолмайди. Унинг ижодкорлик қобилияти маълум вақт ичида изчил ўқиб-ўрганиш, ўз устида ишлаш орқали шакллантирилади ва у аста-секин такомиллашиб, ривожланиб боради. Ҳар қандай мутахассисда бўлгани каби бўлажак педагогларнинг креативлик қобилиятига эга бўлишлари учун талабалик йилларида пойдевор қўйилади ва касбий фаолиятни ташкил этишда изчил ривожлантириб, такомиллашти-рилиб борилади. Бундай педагогнинг ўзини ўзи ижодий фаолиятга йўналтириш ва бу фаолиятни самарали ташкил эта олиши муҳим аҳамиятга эга. Педагог ижодий фаолиятни ташкил этишда муаммоли масалаларни ечиш муаммоли вазиятларни тахлил қилиш, шунингдек, педагогик характердаги ижод махсулотларини яратишга алоҳида эътибор қаратиши зарур.

Муаммоли масала ва вазиятларни ҳал қилар экан, педагогнинг масала ечимини топишга ижодий ёндашуви, ундаги ҳиссий-иродавий сифатларнинг ривожланишига ёрдам беради. Педагог ўз олдига муаммоли масалаларни қўйиш орқали мавжуд билимлари ва ҳаётий тажрибаларига зид бўлган далиллар билан тўқнаш келади. Бунинг натижасида ўз устида ишлаш, мустақил ўқиб ўрганишга нисбатан, илм қилишга тажриба орттиришга эҳтиёж сезади.

**REFERENCES:**

1. Ўзбекистон Республикаси "Таълим тўғрисида"ги Қонуни. –Т.:,2020 йил 23 сентябрь
2. Беспалько В.П. Олий таълим тизимида педагогик технология. –М.: «Академия», 2014 й.
3. Муслимов Н.А., Н.Каримова Касб таълими ўқитувчиларининг амалий компетентлигини шакллантириш технологияси. -Т.: "Иқтисодиёт", 2012 й.
4. Муслимов Н.А., ва бошқалар. Компетентлик ва креативлик салоҳияти асослари. -Т.: "Ўқитувчи", 2015 й.
5. Содиков, У. Ж. (2019). ИСПОЛЬЗОВАНИЕ НАВЫКОВ И ЗНАНИЙ МАТЕМАТИЧЕСКОГО МОДЕЛИРОВАНИЯ У УЧАЩИХСЯ ПРИ РЕШЕНИИ ПРАКТИКО-ПРИКЛАДНЫХ ЗАДАЧ. ПРОФЕССИОНАЛЬНО-ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ КУЛЬТУРА УЧИТЕЛЯ И ПРЕПОДАВАТЕЛЯ: СОДЕРЖАНИЕ, МОДЕЛИ И ТЕХНОЛОГИИ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ, 143.
6. У. Ж. Содиқов (2021). ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ПЕДАГОГИКА ФАНИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ИННОВАЦИЯЛАР. Academic research in educational sciences, 2 (NUU Conference 1), 41-47.
7. Садикова, Ш. О. (2021). ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШДА ШАХСГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎРНИ. Academic research in educational sciences, 2(NUU Conference 1), 377-380.
8. Садикова, Ш. О. (2022). ПЕДАГОГИК АМАЛИЁТ-ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШНИНГ МУҲИМ ШАКЛИ. International Academic Research Journal Impact Factor 7.4, 1(1), 59-63.
9. Худайқулов Х.Ж. Педагогик маҳорат.-Т.: Навруз, 2013 й.
10. Эгамбердиева Н. Талаба ёшларни тарбиялашда компетентлик ва креативлик педагогик фаолият. –Т.: Навруз. 2013й.

**64.** Неъматов, Б., & Содиков, У. (2023). КРЕАТИВЛИК САЛОХИЯТИНИНГ ТАРКИБИЙ АСОСЛАРИ ВА УСТУВОР ТАМОЙИЛЛАРИ. *Quality education – the foundation of Uzbekistan's development*, *4*(3), 416-423.

**65.** Сулаймонова, С. Ё. (2023). ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ. *Quality education – the foundation of Uzbekistan's development*, *4*(3), 424-427.

**66.** Turdiqulova, N. T. (2023). TA'LIMDA VA DARS JARAYONIDA INTERFAOL METODLAR. *Quality education – the foundation of Uzbekistan's development*, *4*(3), 428-432.

**67.** Fayzullaeva, M. A. (2023). EFFECTIVENESS OF INFORMATION TECHNOLOGIES IN THE EDUCATIONAL SYSTEM. *Quality education – the foundation of Uzbekistan's development*, *4*(3), 433-436.

**68.** Fayzullaeva, M. A. (2023). EFFECTIVENESS OF INFORMATION TECHNOLOGIES IN THE EDUCATIONAL SYSTEM. *Quality education – the foundation of Uzbekistan's development*, *4*(3), 437-440.

**69.** Хайдарова, Х. Р. (2023). ТРАНСФОРМАЦИЯ – ОТА-ОНАЛАРНИНГ ВИРТУАЛ-ПЕДАГОГИК МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТИЗИМИ СИФАТИДА. *Quality education – the foundation of Uzbekistan's development*, *4*(3), 441-445.

**70.** Хамидова, Ф. Т. (2023). ТАЛАБАЛАРНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ. *Quality education – the foundation of Uzbekistan's development*, *4*(3), 446-450.

**71.** Хамрокулова, Ш. Э. (2023). ТАБИИЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА ЭКОЛОГИК ТАРБИЯ МАСАЛАЛАРИГА ЕНДАШИШ. *Quality education – the foundation of Uzbekistan's development*, *4*(3), 451-454.

**72.** Xikmatova, M. (2023). USE OF PEDAGOGICAL AND INFORMATION TECHNOLOGIES IN IMPROVING THE PROFESSIONAL COMPETENCE OF EDUCATORS. *Quality education – the foundation of Uzbekistan's development*, *4*(3), 455-461.

**73.** Kamilova, F. K. (2023). NEW MEANINGS OF OLD WORDS IN ENGLISH. *Quality education – the foundation of Uzbekistan's development*, *4*(3), 462-470.

**74.** Шодмонов, Ш. А. (2023). ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАРДАГИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ ПЕДАГОГИК МУАММО СИФАТИДА. *Quality education – the foundation of Uzbekistan's development*, *4*(3), 471-475.

**75.** Oymatova, G. M. (2023). TA'LIM SIFATINI BAHOLASH VA OSHIRISHGA INNOVATSION YONDASHUV. *Quality education – the foundation of Uzbekistan's development*, *4*(3), 476-480.

**76.** Olimova, D. M. (2023). SYSTEMATIC APPROACH TO TEACHING THE HISTORY OF UZBEK NATIONAL EMBROIDERY. *Quality education – the foundation of Uzbekistan's development*, *4*(3), 481-485.